

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИНИНГ СУДГАЧА БЎЛГАН БОСҚИЧИДА РАҚАМЛИ ИШ ЮРИТИШ

Уралов Сарбон Сардорovich

Тошкент давлат юридик университети

Жиноят-процессуал ҳукуки кафедраси доценти в.б., PhD.

Утаров Канат Алимтаевич

М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон университети

Жиноят ҳукуки ва жиноят процесси кафедраси доценти, PhD.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14831638>

Аннотация. Мазкур мақолада рақамлаштириш дунёсидаги ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормалар муайян изчилликда таҳлил қилинган бўлиб, жиноят иши бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш орқали исбот қилишда рақамлаштиришнинг ўрни ҳақида фикрлар келтирилган. Шунингдек, бу жараёнда исбот қилиш билан боғлиқ бўлмаган бир қатор процессуал ҳаракатларни рақамлаштириш остида (процессуал мажбурлов чоралари, мулкий ундирувни таъминлаш ва бошқа) бажарилиш тартибини тушунтириб беради.

Калим сўзлар: далиллар, рақамли жиноят иши, электрон база, электрон ҳужжат алмашинуви, видеоёзув.

DIGITAL PROCEEDINGS AT THE PRE-TRIAL STAGE OF CRIMINAL PROCEEDINGS

Abstract. This article analyzes in a certain sequence the norms regulating social and legal relations in the world of digitalization, and presents ideas about the role of digitalization in proving evidence in a criminal case through the collection, verification and evaluation of evidence.

It also explains the procedure for performing a number of procedural actions not related to proving in this process under digitalization (procedural coercive measures, securing property recovery, etc.)

Keywords: evidence, digital criminal case, electronic database, electronic document exchange, video recording.

ЦИФРОВОЕ СУДОПРОИЗВОДСТВО НА ДОСУДЕБНОЙ СТАДИИ УГОЛОВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА

Аннотация. В статье в определенной последовательности анализируются нормы, регулирующие общественно-правовые отношения в мире цифровизации, излагаются

соображения о роли цифровизации в доказывании по уголовным делам посредством сбора, исследования и оценки доказательств. Также разъясняется порядок совершения ряда процессуальных действий, не связанных с доказыванием в данном процессе в условиях цифровизации (меры процессуального принуждения, обеспечение изъятия имущества и т. д.).

Ключевые слова: доказательства, электронное уголовное дело, электронная база данных, электронный документооборот, видеозапись.

Ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормалар муайян изчилликка эга бўлгани сингари, жиноят процесси ҳам ишни судга қадар юритиш (*терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов, прокурор назорати*), биринчи инстанция судида ишларни кўриш, суд ҳужжатларини юқори инстанцияда қайта кўриш ҳамда ҳукми ижро қилиш билан боғлиқ босқичларга ажратилган. Жиноят иши кўзғатилгандан ва мазкур жиноят иши суриштирувчи ёки терговчи томонидан ўз иш юритувига олингандан бошлаб суриштирув ва дастлабки тергов бошланган ҳисобланади.

Шу каби, мазкур мақолада илгари сурилган таҳлиллар жиноят процессидаги суриштирув ва дастлабки тергов жараёнига алоқадор бўлиб, уларни ҳам шартли равишда қисмларга бўлишни тақозо қилади[1].

Жиноят иши бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш орқали исбот қилиш амалга оширилади. Шунингдек, бу жараёнда исбот қилиш билан боғлиқ бўлмаган бир қатор процессуал ҳаракатлар (*процессуал мажбурлов чоралари, мулкий ундирувни таъминлаш ва бошқа*) бажарилади. Шу билан бирга, жараёнда прокурор назорати ҳамда прокурор ва суднинг айрим процессуал ҳаракатларни амалга оширишга рухсат бериш билан боғлиқ иштироки таъминланади. Бундан ташқари, жиноят ишларини юритишни рақамлаштириш унинг айрим институтларини (*масалан, электрон чақирув, зарар ундируви ва бошқа*) ва комплекс тарзда (*“Электрон жиноят иши” лойиҳасини ишга тушириш ва бошқа*) амалга ошириш каби масалалардан иборат бўлади.

Шу сабабли ҳам, диссертациянинг ушбу қисмида юқоридаги изчилликда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашда юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ҳақида фикр юритилади.

Далилларни тўплашда видеоёзув воситаларидан фойдаланишни процессуал тартибга солиш.

Видеоёзув далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллардан бири ҳисобланади.

Видеоёзув орқали қайд қилиниши лозим бўлган тергов ва процессуал ҳаракатлар рўйхати қонунчиликда белгиланган. Бироқ, видеоёзувни олиш тартиби, унга қўйиладиган техник талаблар (ташкилий) ҳамда қоидалар (ҳуқуқий) қонунчиликда белгиланмаганлиги ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиётини шакллантиришга тўсқинлик қилмай қолмайди[2].

Эътиборлиси, қонунчилик нормаларида айрим тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказишда техник воситалар ва ускуналар учун минимал талаблар (тасвир сифати, овоз ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича) белгиланган.

Фикримизча, жинойт-процессуал қонунчиликда мустаҳкамланган ушбу нормаларни қайтадан тадқиқ этиш талаб этилмайди. Қолаверса, мазкур мавзу доирасида видеоёзув орқали процессуал ҳаракатларни қайд этишда унинг усул ва услублари эмас, балки таркибий-техник ва ҳуқуқий талабларга оид жиҳатлари таҳлил қилинган бўлиб, илгари сурилаган фикр ва мулоҳазалар криминалистикани ўзида ифодаламайди.

Австралия криминология институти ҳуқуқшунос олимларининг тадқиқотларига кўра, тергов ҳаракатларида фойдаланилган видеотасвирлар сифати билан боғлиқ муаммолар тергов жараёнида йўл қўйиладиган хато ва камчиликлар орасида салмоқли қисми таркиб этган (32%). Бу эса, видеоёзувдан фойдаланишда техник талабларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш муҳим эканлигини назарда тутди.

Фикримизча, тергов ҳаракатларини видеоёзув орқали қайд этишда қуйидагиларга риоя этиш талаби бўлиши лозим: видеоёзув олинган вақт ва шароит унда акс этиши; тергов ва процессуал ҳаракатлар бошланишидан олдин иштирокчиларга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги кўрсатиб берилиши; тергов ва процессуал ҳаракатларда иштирок этаётган шахслар қиёфаси видеоёзувда тўлиқ акс этиши; видеоёзув тергов ва процессуал ҳаракатларнинг бошланишидан охирига қадар бўлган жараёни узилишларга йўл қўймаган тарзда қамраб олиши (*бир неча объектлар мажмуига нисбатан ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар бундан мустасно*). Бу орқали эса, ҳуқуқни қўллашнинг ягона амалиёти шаклланишига ва шаффоф ҳуқуқий механизмлар яратилишига эришилади.

Рақамлаштириш имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали далилларни тўплаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ҳолислар иштирокини қисқартириш. Суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилгани, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ишга ҳолислар жалб этилади.

Ҳақиқатни аниқлашга қаратилган аксарият тергов ва процессуал ҳаракатларнинг холисона амалга оширилишида холисларнинг иштироки қонунчиликда белгиланган[3].

Холис сифатида ишнинг оқибатидан манфаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган фуқаро чақирилиши лозим. Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин уларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради. Холислар жамоатчилик вакиллари сифатида таърифланган бўлиб, жиноят процессида мазкур процесс иштирокчисининг фаолияти айна вақтда муҳим аҳамиятга эга. Чунки, унинг иштироки зарур бўлган тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларда қатнашмаслиги муайян оқибатларга олиб келади. Масалан, тергов ҳаракатида холис сифатида иш бўйича манфаатдор бўлган шахс, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ёки уларга жамоатчилик асосида қўмаклашувчи бошқа шахслар иштирок этган бўлса, бу жараёнда тўпланган далил номақбул далил деб топилади. Бу борада, суд амалиётида қўлланилган айрим мисолларга тўхталсак.

Судланувчи М.Х. яшаш уйида гиёҳвандлик воситаси ҳисобланган бир туп “**каннабис**” ўсимлигини қонунга хилоф равишда етиштирган ва пул эвазига 1,7 грамм гиёҳвандлик воситасини бир неча шахсларга сотган. Дастлабки тергов давомида гиёҳвандлик воситасини сотиб олганлардан бири З.Р.нинг яшаш уйида тинтув ўтказилган.

Тинтувда З.Р.нинг яшаш хонасидан 1 дона гугурт қутисида ўсимлик қолдиғи ва уруғи топилиб, баённома расмийлаштирилган. Бироқ, суд томонидан мазкур тинтув тергов ҳаракати натижаси номақбул далил деб топилган. Бунга тинтув жараёнида **холисларга** уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, тинтув ўтказилишидан аввал тинтув қилинаётганлар, холислар, мутахассисга суриштирувчи ёки терговчининг барча ҳаракатлари чоғида ҳозир бўлиш ва ана шу ҳаракатлар хусусида арз қилиш ҳуқуқи тушунтирилмаганлиги, тинтув ўтказишдан олдин бу тўғрисидаги қарор, сўнгра тинтув ҳақидаги баённома тинтув ўтказилаётган З.Р.га имзо қўйиб тилхат асосида таништирилмаганлиги, тинтув тамом бўлгач, иштирокчиларга баённома билан танишиб чиқишга имкон берилмаганлиги сабаб бўлган.

Жиноят процессуал қонунчиликда айрим процессуал ҳаракатларни видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги белгиланиши ҳам том маънода холисликни қўшимча воситалар билан янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бироқ, бундай воситаларнинг қўлланилиши процессуал ҳаракатларни амалга оширишда холислар иштирокини истисно этмайди[4]. Қолаверса, холисликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган, шахснинг конституцион ҳуқуқлари чекланиши билан боғлиқ ҳамда ишнинг дастлабки ва ҳақиқий

ҳолатини акс эттириш масаласига бевосита таъсир этувчи таниб олиш учун кўрсатиш, кўздан кечириш, мурдани эксгумация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини кўздан кечириш ва олиб қўйиш, экспертиза тадқиқоти учун намуналар олиш, тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни амалга оширишда видеоёзувнинг қўлланилиши мажбурийлиги қонунчиликда белгиланмаган.

Фикримизча, процессуал ҳаракатларни ўтказиш инсон омили билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, унинг ҳолисона ўтказилганини тасдиқлаш инсон аралашувисиз бўлиши лозим. Бунда техник имкониятлар муҳим аҳамият касб этади. Техник воситани қўллаш имкони бўлмаган (*масалан, техника воситасининг носозлиги, қуввати тугаши ва ҳ.к.*) тақдирда, ҳолислар иштироки таъминланиши лозим. Шу билан бирга, муаммога комплекс ечим сифатида ҳолисларнинг мақоми, уларга қўйиладиган талаблар, ҳолис бўлиши мумкин бўлмаган шахслар, ҳолис иштироки истисно этиладиган ҳолатлар доирасини, процессуал мажбуриятни бажармаганлик учун ҳолисларнинг жавобгарлигини батафсил белгилаш, видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлган процессуал ҳаракатлар доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу орқали, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларининг таъсирчан ҳимояси таъминланиб, мансабдор шахслар фаолиятида қулайлик ва “**процессуал тежамкорлик**”ка эришилади.

Ашёвий далилларни электрон рўйхатга олиш тартибини жорий қилиш.

Далилларни рўйхатга олишда замонавий ахборот технологиялари имкониятларини қўллашни жиноят ишини юритишни рақамлаштиришнинг муҳим қисми сифатида кўриш мумкин. Чунки, бу қонунийликни таъминлашда алоҳида ўрин тутади. Қонунчиликда далиллар ашёвий ва ёзма далилларга ажратилган бўлиб, жиноят иши доирасида тўпланган ёзма далиллар у билан бирга сақланиши сабабли, мазкур тадқиқот ишида илгари сурилаётган қарашлар айнан ашёвий далилларга оид.

Аввало, ашёвий далилларни рўйхатга олишнинг амалдаги тартибига юзлансак. Жиноят-процессуал кодексида белгиланган раҳбарий талаблардан ташқари, мазкур жараёни тартибга солувчи Йўриқнома ҳам қабул қилинган. Унга кўра, ашёвий далилларни ва бошқа нарсаларни қайд этиш учун ҳар бир терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларда белгиланган шаклга мувофиқ ҳисобга олиш китоблари юритилиб, улар ашёвий далиллар ва бошқа нарсаларни сақлаш ва ҳисобга олиш учун жавобгар шахсда туради.

Ашёвий далилларни ҳисобга олиш китобларига ёзувлар нарсаларни олиб қўйиш ёки тақдим этиш ҳақидаги баённомалар асосида уларнинг сақланиши учун жавобгар шахслар томонидан киритилади. Ашёвий далиллар унинг тавсифи баён этилган баённома асосида қўлёзма тартибда ҳамда фақат унинг сақланиши учун жавобгар бўлган шахс томонидан рўйхатга олинади.

Кўриб турганимиздек, жиноят иши юритуви соҳасида ушбу жараён ҳам қоғозбозликдан ҳоли эмас. Қолаверса, айтиб бериш ашёвий далилга оид рўйхатга олиш терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов органлари ва судларда такроран юритилиши ҳам вақт сарфига, ашёвий далилларни сохталаштириш, унинг якуний тақдирини ҳал қилиш, ишга алоқаси бўлмайд қолган ашёвий далилни эгасига қайтариш ҳамда ушбу ҳаракатларни амалга ошириш муддатлари билан боғлиқ муносабатларга салбий таъсир этмай қолмайди. Масалан, 2023 йил ҳамда 2024 йилнинг ўрганилган даврида республика бўйича жиноят ишларини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар томонидан ашёвий далилларни сохталаштириш билан боғлиқ 17 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Қолаверса, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш муддатларининг қонунчиликда белгиланмаганлиги ҳам қонун нормаларини субъектив тарзда талқин қилиш ҳолатларига олиб келиши билан боғлиқ ҳуқуқдаги бўшлиқлар мавжуд (*Россия Федерациясининг ЖПКсида ашёвий далил деб эътироф этиш муддатлари ва уни узрли сабабга кўра узайтириш тартиби белгиланган*).

Илмий адабиётлар ва интернет нашридан изланган маълумотларда ашёвий далилларни электрон рўйхатга олиш бўйича илгари сурилган қарашларни учратмадик. Бу эса, мазкур таклифнинг, нафақат илмий, балки амалий янгилигини ҳам англатади.

Инсон омили аралашувини истисно қилишни тақозо этадиган ушбу жараён ҳам, албатта, жиноят иши юритуви соҳасини рақамлаштириш борасидаги ислохотлар таркибида бўлиши мақсадга мувофиқ. Фикримизча, ашёвий далилларни электрон рўйхатга олиш тартибини жорий этиш қуйидагиларга имкон яратади.

Хусусан, жиноят иши юритуви соҳасида ашёвий далилларни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш билан боғлиқ жараён ахборот технологиялари имкониятидан фойдаланган ҳолда тўлиқ рақамлаштирилади. Рўйхатга олиш тизимининг самарадорлиги ва ҳуқуқий аниқлиги ошади.

Ашёвий далилларни рўйхатга олишни таъминлаш учун сарфланадиган моддий ва меҳнат ресурслари тежалади. Ашёвий далилларни рўйхатга олиш соддалашиб, уларни излаш учун сарфланган вақт қисқаради. Қоғоз архивлари камаяди ва сақлаш давомийлиги ошади. Сунъий интеллект имкониятидан фойдаланган ҳолда, муайян ашёвий далилнинг бошқа жиноятларга алоқадорлиги ойдинлашади. Далилларни сохталаштиришга қаратилган суиистеъмолчиликларнинг олди олиниб, электрон тизим бунга имкон бермайди[5].

Шу мақсадда, ашёвий далил деб эътироф этиш муддатларини, уни узайтириш тартибини белгилаш, ашёвий далилни электрон ахборот дастури орқали ягона рўйхатга олиш ва унга хос рақам бериш, дастурга зарур ҳужжатлар, фото ва видео тасвирларни бириктириш бўйича жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Бу орқали, қоғозбозликка чек қўйилишига, суиистеъмолчиликларнинг олди олинишига ҳамда қонун устуворлиги таъминланишига эришилади.

Жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар ва ҳимоячини электрон хабардор қилиш тартибини жорий этиш. Сўнгги йилларда “Электрон ҳукумат” тизими доирасида давлат хизматларидан фойдаланишда рақамлаштиришнинг кенг қўлланилиши ортидан фуқароларда ўз аризаларини кўриб чиқиш жараёни бориши ҳақида муайян босқичларда хабардор бўлиш имконияти яратилди. Бунда, уларга жараён хусусида электрон хабар бериш тизими йўлга қўйилган. Масалан, Мажбурий ижро бюроси органлари томонидан қарздорларга уларга нисбатан ижро иши юритиш қўзғатилганлиги, ижро йиғими ва жарималар қўлланилганлиги, ижро ишини юритиш тамомланганлиги ва бошқа маълумотлар хусусида “смс-хабарнома” юбориш амалиёти йўлга қўйилган. Ўйлаймизки, мазкур ислохотлар самарадорлиги жиноят иши юритиш тартибини ҳам четлаб ўтмаслиги лозим.

Шу ўринда, мазкур таклиф юзага келишига сабаб бўлган амалиётдаги муаммолар ҳақида тўхталсак. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларига келиб тушаётган шикоятлар таҳлили қуйидаги муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Шахснинг жиноят иши бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида жалб этилишига асос бўлган ҳолатлар, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нимадан иборат эканлиги батафсил тушунтирилмасдан ҳужжатларга имзо қўйдирилиши ва кейинчалик бу ҳужжатларнинг сўров бўйича тақдим этилмаслиги.

Жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчиларда жиноят иши бўйича олиб борилаётган процессуал ҳаракатлар ва қарорлар хусусида маълумотларнинг йўқлиги.

Ҳимоячилар сўровига жавоблар ҳалигача анъанавий усулда берилиши. Улар иштирок этиши лозим бўлган тергов ҳаракатлари хусусида кеч хабар топиши. Айблилик масаласи ҳал этилмасдан тугатилган жиноят ишлари бўйича манфаатдор шахсларнинг хабардор қилинмаслиги. Тергови якунланган жиноят иши материалларининг шоша-пиша таништирилиши. Тамомланган жиноят иши бўйича прокурор томонидан қабул қилинган қарор ва жиноят иши кўриб чиқиш учун судга ўтказилганлигидан жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчиларнинг беҳабар қолиши. Айни ушбу муаммолар жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар ва ҳимоячини электрон хабардор қилиш тартибини жорий этиш заруриятини тақозо қилади.

И.В.Казначейнинг фикрича, жиноят ишларини юритишда электрон хабардор қилиш тартибининг жорий қилиниши коррупциявий ва турли суиистеъмолчилик ҳолатларини олдини олишда ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади[6]. Россия Федерацияси Самара вилоятида адвокатлар ва суд ходимлари ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларида, “смс-хабарнома” хизматининг жорий этилиши электрон жиноий судлов иш юритиш билан боғлиқ бўлган муҳим элементлардан бири сифатида саналган. Корея Республикаси, Хитой, Туркия каби давлатларда қўлланилаётган мазкур тизим самарадорлиги хусусида эса, диссертациянинг аввалги қисмларида тўхталиб ўтилган. Миллий суд-ҳуқуқ амалиётимизда эса, бундай хабардор қилиш суд тизимида жорий қилинган.

Хусусан, процесс иштирокчисининг телефон рақамига унга суд чақируви юборилганлиги ҳақида смс-хабарнома юборилиб, батафсил маълумотга эга бўлиш учун ҳавола илова қилинади, ҳавола орқали эса, суд номи, судья ва чақирилувчининг Ф.И.Ш. чақирув тайинланган кун, вақт ва жой номларини аниқлаштириб олиш мумкин.

REFERENCES

1. Christopher Dowling, Anthony Morgan, Alexandra Gannoni and Penny Jorna. How do police use CCTV footage in criminal investigations?
2. И.В.Казначей. “Техник коммуникациянинг замонавий воситалари ёрдамида жиноий суд иш юритувчи иштирокчиларини хабардор қилиш” номли тадқиқот иши. Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги Волгоград Академияси адъюнктури, 2014 йил.

3. Л.А.Сержантова. “Электронное судопроизводство как ответная мера на пандемию в 2020 году”. Научные исследования кафедры уголовного процесса. УДК 343.
4. Sardorovich, U. S. (2022). Prejudice in Criminal Case. Journal of Media & Management. SRC/JMM-175. DOI: doi. org/10.47363/JMM/2022 (4), 146.
5. Уралов, С. (2023). Айрим МДХ давлатлари жиноят-процессуал қонунчилигида преюдицияни қўллаш масалалари. *Общество и инновации*, 4(2/S), 13-20.
6. Uralov Sarbon Sardorovich. (2023). PREJUDICE IS THE FINAL KEY TO EVALUATING EVIDENCE IN CRIMINAL PROCEEDINGS. World Bulletin of Management and Law, 18, 55-57. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wbml/article/view/1931>